Эҳтимоллар назарияси фанида узлуксиз тақсимотлар, айниқса нормал тақсимот ҳар томонлама ўрганилган. Тадбиқий аҳамияти катта бўлишига қарамай, баъзи дискрет тақсимотлар, жумладан, тескари-биномиал тақсимот етарлича ҳар томонлама ўрганилмаган. Тескари биномиал тақсимот асимптотик хусусияти Аренбаев Н.К. [1] томонидан ўрганилган бўлса, бу тақсимотнинг вариация бўйича яқинлашиши ҳақидаги теорема [2] да келтирилган.

Ушбу мақолада эса бу тақсимотнинг Эрланг тақсимоти га вариация бўйича яқинлашиши ҳақидаги теорема келтирилади.

Айталик,

$$G(k) = \frac{(k+n)!}{k!n!} p^k q^{n+1}, \quad k = 0, 1, 2, \dots$$

тескари биномиал тақсимот ва

$$Q(k) = \frac{(kp)^n}{n!} p e^{-kp}, \quad k = 0, 1, 2, \dots$$

Эрланг тақсимоти берилган бўлсин.

Теорема. Айталик,  $\gamma > 0,75$  ва  $p < \frac{1}{pe}$  бўлсин. У ҳолда

$$\left( \sum_{k=0}^{\infty} |G(k) - Q(k)|^\gamma \right)^{\frac{1}{\gamma}} = \lambda(\gamma) p^{\frac{2\gamma-1}{\gamma}} + O\left( p^{\frac{3\gamma-1}{\gamma}} n^{\frac{1}{2\gamma}} \right),$$

бу ерда

$$\lambda(\gamma) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \left( \int_{-\infty}^{\infty} |u|^\gamma e^{-\frac{\gamma u^2}{2}} du \right)^{\frac{1}{\gamma}}.$$

Исбот. Теорема исботлаш учун куйидаги леммалар керак бўлади.

1-Лемма.  $p < \frac{1}{ne}$  да

$$\sum_{0 < k+1 < n^2 p} |G(k) - Q(k)| = O(np^2).$$

2-Лемма.  $p < \frac{1}{ne}$  да

$$\sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} |G(k) - Q(k)| = O(np^2).$$

3-Лемма.  $p < \frac{1}{ne}$  ва  $n^2 p < k+1 < \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}$  бўлсин. У ҳолда

$$G(k) = \frac{(kp)^n}{n!} p e^{-kp} \exp\left\{-\frac{p}{2} - \frac{n(n+1)}{kp}\right\} + O\left(p^2 \left(kp + \frac{n(n+1)(2n+1)}{(kp)^2}\right)\right).$$

бу леммаларнинг исботи [1] да келтирилган.

Исботни содалаштириш учун

$$\sum_{k=0}^{\infty} |G(k) - Q(k)|^\gamma = S_1 + S_2 + S_3$$

деб оламиз. Бу ерда

$$S_1 = \sum_{0 \leq k+1 < n^2 p} |G(k) - Q(k)|^\gamma,$$

$$S_2 = \sum_{n^2 p < k+1 < \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} |G(k) - Q(k)|^\gamma,$$

$$S_3 = \sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} |G(k) - Q(k)|^\gamma.$$

1-леммага асосланиб кўрсатиш мумкинки,

$$S_1 \leq 2^\gamma (n^2 p)^\gamma \sum_{0 < k+1 < n^2 p} \frac{1}{(k+1)^\gamma} (G^\gamma(k) + Q^\gamma(k)) = O((n^2 p)^\gamma) \quad (1)$$

Энди  $k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}$  шартни қаноатлантирувчи  $k$  лар бўйича суммани кўриб чиқамиз.

2-леммага кўра ва бевосита ҳисоблашлар

$$\sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} |G(k) - Q(k)|^\gamma \leq 2 \left( \sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} G(k) + \sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} Q(k) \right)$$

эканини кўрсади.

Маълумки,

$$\sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} G^\gamma(k) \leq \sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} G(k) \cdot$$

Леммани такрорий қўллаб

$$\sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} G(k) < \exp \left\{ -\frac{nq}{p^2} + \frac{\sqrt{n}}{p^3} \right\}$$

ни ҳосил қиламиз.

Шунга ўхшаш

$$\sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} Q^\gamma(k) \leq \sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} Q(k) < \exp \left( -\frac{(nq)^{\frac{3}{2}}}{p^2} + \frac{\sqrt{n}}{p^4} \right).$$

У ҳолда

$$\sum_{k+1 \geq \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} |G(k) - Q(k)|^\gamma = O \left( \frac{1}{(nq)^{\frac{\gamma}{2}}} \right) \quad (2)$$

га эга бўламиз.

$n \rightarrow \infty$  да Эрланг тақсимоти нормал тақсимотга яқинлашади. Бу хоссадан ва леммадан

3-

$$\begin{aligned} S_2^\gamma &= \sum_{n^2 p < k+1 < \frac{nq}{p} + \frac{\sqrt{q}}{p^2}} |G(k) - Q(k)|^\gamma = \\ &= \frac{p^{2\gamma-1} \sqrt{n}}{\sqrt{2\pi}^\gamma} \int_{-\infty}^{\infty} |v|^\gamma e^{-\frac{\gamma v^2}{2}} dv + O(3^{3\gamma-1} \sqrt{n}) \end{aligned}$$

ҳосил бўлади. (1)-(3) дан теореманинг  $\gamma > 0,75$  учун тўғрилиги келиб чиқади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. А р е н б а е в Н.К. Асимптотическое поведение отрицательно-биномиального распределения. Деп. в ВИНТИ. № 2445-81. 2. Ю с у п о в а А., А х м а д ж о н о в а М. Тескари биномиал тақсимотнинг вариация бўйича пуассон тақсимотига яқинлашиши ҳақида.

Фарғона давлат университети

қабул қилинди: 14.02.2013 й.

**ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ И  
ТРАНСПОРТИРУЮЩИХ МАШИН С ПЛОСКОРЕМЕННОЙ ПЕРЕДАЧЕЙ И  
НАТЯЖНЫМ РОЛИКОМ**

Джураев А.Д., Давидбоев Б.Н., Мирзахонов Ю.У., Давидбоева Н.Б.

*Ушбу мақолада транспортловчи лента ва марказлаштирувчи таранглаш қурилмаси орасидаги ҳар хил ўрнатилиш бурчаклари, ишчи режимлардаги экпериментал тадқиқот натижалари келтирилган. Барабан билан лента орасидаги бурчаклар, таранглаш ролигини тебраниш бурчакларининг турли оптимал қийматларида олинган натижалар акс эттирилган ва хулосалар қилинган.*

*В данной работе приводятся результаты экспериментального исследования транспортёрных лент и центрирующего натяжного ролика с симметричным вогнутым профилем при различных углах их установки и рабочих режимах. Отражены полученные результаты для различных оптимальных значений углов между барабаном и ленты, углов колебания натяжного ролика.*

*In the given scientific article results of scientific researches belting of transfer with centring tension rollers by the device are resulted. Are certain ( determined ) of the basic parameters centring tension rollers of the device, durability of belts and to avoid this we recommend to use a new tensional with asymmetrical section.*

Известно, что плоскоременная передача применяется на кольцепрядильных и крутильных машинах и текстильной промышленности, в которой натяжение обеспечивается натяжными роликами вогнутого профиля [1].

Известно, что правильное взаимное расположение поверхностей деталей и их осей (соосность, перепендикулярность, параллельность, соблюдение симметричности) является основным условием качественного монтажа и нормальной работы узла машины или механизма [2].

Качественному монтажу и нормальной работе узла машины препятствует отклонение от симметричности, появляющееся за счет регулирования узлов механизмов и машин. Недостатком передачи, на которой установлен натяжной ролик с симметричным вогнутым профилем, применяемой в технологических машинах, является возникновение несимметричных сдвигающих сил, которые приводят к боковому сходу ремня со шкивов. Кроме того, обрыв ремней за счет их перегиба на поверхности натяжных роликов и сход ремней от неравномерного распределения нагрузки в ременных передачах, а также ввиду непараллельности осей валов ведущего и ведомого шкивов.

В другой известной плоскоременной передаче содержится ведущий и ведомый шкивы, охватывающие их ремень, натяжной ролик со специальным криволинейным профилем, установленный на нижней ветви ремня [3]. Ведущий шкив, вращаясь, передаёт движение ведомому шкиву через охватывающий ремень. Возникающая сдвигающая сила, направленная односторонне, способствует боковому сходу ремня, благодаря несимметричной форме, рабочая поверхность натяжного устройства обладает центрирующими способностями, обуславливающими возникновение силы, направленной противоположно сдвигающей силе, препятствуя тем самым боковому сходу ремня со шкива. Основным недостатком данной конструкции является то, что при сдвигающей силе направленной в сторону обратной части ролика, то для предупреждения схода ремня необходимо развернуть ролик в плоскости его оси на  $180^0$  С. Для этого требуется останавливать движение привода, что значительно уменьшает производительность машины. Кроме того, эти перестановки могут чередоваться несколько раз в короткий промежуток времени, что практически осуществлять невозможно. В другой конструкции плоскоременная

передача с натяжным роликом 7 вогнутым симметричным профилем, имеющая ведущий и ведомый шкивы охватывающий их ремень содержит устройство, регулирующее угол наклона оси ролика относительно вертикальной плоскости, включающее датчики для регистрации величины сдвига ремня [4].

Недостатком данной ременной передачи является сложность конструкции и ограниченность угла наклона натяжного ролика. Кроме того, при больших значениях осевых сдвигающих сил, данная конструкция фактически неработоспособна. Наиболее близкой по технической сущности к предлагаемой является плоскоремennая передача, в которой установлен натяжной ролик с симметричным вогнутым профилем, применяемая в текстильных машинах [5].

Однако возникновение в данной конструкции сдвигающих сил приводит к боковому сходу ремня со шкивов. Задачей новой конструкции является увеличение надежности передачи ликвидации бокового схода ремня со шкивов.

Поставленная задача решается тем, что в плоскоремennой передаче с натяжным роликом, содержащий ведущий и ведомый шкивы, натяжной ролик с симметричным криволинейным профилем и охватывающий их ремень, ролик выполнен из двух симметричных частей с вогнутыми криволинейными поверхностями, соединенные между собой пружиной растяжения. Кроме того, полуоси частей ролика могут совершать вращательное и возвратно поступательное движения по оси и соответственно имеют пружины сжатия между частями ролика и корпусом (надеты на полуоси частей ролика). На внутренних концах частей ролика закреплены втулки из пластмассы.

Предлагаемая передача с натяжным роликом заключается в том, что с увеличением сдвигающей силы та или иная часть ролика перемещается по оси по направлению действия сдвигающей силы, тем самым увеличивается рабочая зона контакта поверхности ролика с ремнем и за счет вогнутой криволинейной поверхности частей ролика ликвидируется сход ремня со шкивов. При этом за счет выбора необходимых жесткостей пружин растяжения и сжатия ролик автоматически адаптируется на изменения возникающих несимметричных сил схода ремня, особенно при использовании ремня в виде транспортера.

Плоскоремennая передача содержит ведущий 1 и ведомый 2 шкивы, охватывающий их ремень 3, натяжной ролик 4, состоящий из двух левой 5, правой 6 частей с криволинейными поверхностями, связанные между собой пружиной растяжения 7, установленные на полуосях 8 и 9, совершающие вращения и возвратно-поступательное движение между боковыми поверхностями частей 5 и 6 ролика 4 и опорами (кинематическая пара IV - класса) 10 и 11 установленны пружины сжатия 12 и 13. На внутренних частях 5 и 6 ролика 4 закреплены пластмассовые втулки 14 и 15. (рис. 1 и рис.2 ).




Рис 1. Кинематическая схема плоскоремennой передачи с натяжным роликом.

Ведущий шкив 1, вращаясь, передает движение ведомому шкиву 2 через охватывающий 3. Возникающая при этом сдвигающая сила направленная односторонне (или совокупность несимметричных сил) способствует боковому сходу ремня 3. При воздействии этой силы левая 5 или правая 6 части ролика 4 перемещаются по оси от середины ремня 4. При этом увеличивается общая длина натяжного ролика 4. За счет вогнутой криволинейной поверхности частей 5 и 6, ролика 4 на ремень 3 воздействует дополнительно осевая сила противоположной сдвигающей силы, тем самым ликвидируется боковой сход ремня 3 со шкивов 1 и 2. Пружина 7 при осевом движении частей 5 и 6 ролика 4 растягивается и всегда стремится к исходному положению.




Рис 2. Кинематическая схема бокового среза нового вида натяжного ролика.

Пружины сжатия 12 и 13 при воздействии сдвигающих сил сжимаются и всегда стремятся к исходным положениям, дополнительно помогая восстанавливающей силе 7. Опоры 10 и 11 представляют собой кинематические пары IV –го класса, то есть имеют две степени свободы при этом полуоси 8 и 9 могут вращаться и перемещаться по осям. В процессе работы для ликвидации значительных изгибных деформаций ремня 3 по середине, а также для предотвращения контактов ремня 3 с пружиной 7 установлены пластмассовые 14 и 15. Выбирая жесткоупругие характеристики пружин 7, 12 и 13, а также параметры криволинейности поверхностей (геометрических параметров) частей 5 и 6 ролика 4, можно ликвидировать сход ремня 3 со шкивов 1 и 2, при различных значениях сдвигающих сил (рис 2).

Технико-экономическая эффективность предлагаемой полоскоременной передачи с натяжным роликом заключается в повышении надежности и КПД плоскоременных передач за счет устранения бокового схода ремня. В данной конструкции предотвращается боковой сход ремня, который равнодействующей силой более другие конструкции 200-250 н. Ожидаемый экономический эффект данной конструкции составляет 20% от производительности труда технологической и транспортирующей машины.

#### ЛИТЕРАТУРЫ

1. Макаров А.И. и др. Расчет и конструирование машин прядильного производства М.Машиностроение, 1963. 512 с.
2. Блик Ш.М. Макрогеометрия деталей машин М., "Машиностроение", 1973, с. 34
3. Джураев А.Ж., Давидбаев Б.Н., Жалыев А.А., Мирзахонов Ю.У. Плоскоременная передача с натяжным роликом. // Патент Уз. Рес. UZ IAP 4228, 31.03.97. № 4.
4. Джураев А. Ж., Давидбаев Б.Н., Жалыев А.А., Мелемедов Р.Ю., Мирзахонов Ю.У. Натяжной ролик плоскоремённой передачи // Патент №50 F V PУз.. РА №6, 1996 г. Ременная передача. Авт. Свид. №1767258, 1989.
5. Воробьев И.И. Ременные передачи. М: Машиностроение, 1979. 168 с.

Ферганский политехнический институт

дата поступления: 05.12.2012 г.

УДК 66.061.5(088.8)

### ИНТЕНСИВ РЕЖИМДА ИШЛОВЧИ ЭКСТРАКТОРНИНГ АРАЛАШТИРИШ ҚУВУРЛАРИ ДИАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ

Алиматов Б.А., Каримов И.Т., Хурсанов Б.Ж.

*Мақолада жадал режимда ишловчи алоқа вақти узайтирилган барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналари ўлчамларини аниқловчи тенгламалар тавсия этилган.*

*В статье предложено уравнения для определения размеров перемешивающих зон барботажного экстрактора, работающего в интенсивном режиме с увеличенного временем контакта.*

*Defining equations of diameters of mix zones of barbotage extractor working in intensive regimes and extending contact time are offered in the article.*

Барботажли экстракторнинг [1] афзалликлари шундан иборатки, кўшилмайдиган суюқликларни аралаштириш зигзак шаклидаги аралаштириш зоналарида амалга оширилади. Бу эса алоқадаги суюқликларни жадал шароитда аралаштириш вақтини узайтириш ва натижада экстракция жараёнининг самарадорлигини оширади. Бу аппаратда суюқлик ва газ оқимлари асосий барботаж патрубкесида йўлдош оқимли, 1 – ҳалқали каналда қарама – қарши оқимли, 2 – ҳалқали каналда эса йўлдош оқимлидир (1 – расм).

Экстракторнинг юқоридаги аралаштириш зоналаридаги газнинг ҳажмий миқдорлари  $\varphi_0$ ,  $\varphi_1$  ва  $\varphi_2$  аппаратни лойиҳалашда муҳим аҳамиятга эга, чунки уларга боғлиқ ҳолда аппаратнинг айнан шу зоналари ўлчамлари аниқланади.

Экстракторнинг аралаштириш зоналари барқарор ва тенг жадалликдаги гидродинамик режимда ишлаши учун бу зоналардаги газ миқдорлари  $\varphi_0$ ,  $\varphi_1$  ва  $\varphi_2$  лар тенг бўлишини таъминлаш керак.

Аппаратнинг ички барботаж патрубкеси ва 2 – ҳалқали каналда ҳаракатланаётган суюқлик ва газ йўлдош оқимли бўлганлиги учун қуйидагича аниқланади [2,3]

$$\varphi_0, \varphi_2 = (1 - 0,04\omega_c) \varphi^1 \quad (1)$$

Аппаратнинг биринчи ҳалқали каналида эса суюқлик ва газнинг ҳаракати қарама – қарши бўлганлиги сабабли газ миқдорининг қиймати қуйидагича аниқланади [2,3].

$$\varphi_1 = (1 + 0,04\omega_c^1) \varphi^1 \quad (2)$$

Бу ерда  $\omega_c$  – асосий барботаж патрубкеси ва 2 – ҳалқали каналда ҳаракатланаётган суюқликнинг сарфий тезлиги, (м/с);

$\omega_c^1$  – биринчи ҳалқали каналда ҳаракатланаётган суюқликнинг сарфий тезлиги, (м/с).

1 – тенглама  $\omega_c = 0 \div 20 \text{ м/сек}$  тезликка эга бўлган йўлдош оқимли суюқлик ва газларга нисбатан ўринли [2].


2 – тенглама эса  $\omega_c = 0 \div 10 \text{ м/сек}$  тезликдаги қарама – қарши оқимли суюқлик ва газларга нисбатан ўринли [2].

$\varphi_1$  - суюқликнинг тинч ҳолатдаги газ миқдори бўлиб, қуйидаги тенглама орқали аниқланади [2].

$$\varphi_c^1 = 2,47 \cdot \omega_2^{0,97} \quad (3)$$

Бу ерда  $\omega_2$  – газнинг аралаштириш зонасида келтирилган тезлиги, м/с.

3 – тенглама ёрдамида газ миқдорини суюқликнинг тинч ҳолати учун чегаравий қийматини аниқлаш мумкин. Пуфакли режимдаги барботаж шароитида газ миқдорининг қиймати  $\varphi_0, \varphi_1, \varphi_2 \leq 0,3$  бўлиши керак [3]. Бундай гидродинамик жараёни вужудга келтириш учун газ ёстиғи “h” нинг ўзгармас қийматида аралаштириш зоналарининг диаметрлари яъни, кўндаланг кесим юзалари шундай танланиши керакки ҳар бир аралаштириш зонасида газ миқдорлари  $\varphi_0, \varphi_1, \varphi_2$  ларнинг қийматлари тенг бўлиши керак.



1 – расм. Барботажли экстрактор схемаси

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида бу янги яратилган барботажли экстракторни аралаштириш зоналарини ўлчамларини аниқловчи тенгламалар келтириб чиқарилди.

Ички барботаж патрубкеси диаметри экстракция қилинаётган суюқлик сарфига ва патрубкка ичида алоқадаги суюқликлар таркибидаги мақсадли, яъни ажратиб олинadиган компонентларнинг биридан иккинчисига ўтишга улгуриши учун зарур бўлган сарфий тезликларига боғлиқ ҳолда аниқланади. Бу катталиклар берилган ҳолатда ички барботаж патрубкеси диаметри қуйидагича аниқланади:

$$D_0 = \sqrt{\frac{4Q}{\omega_c^1 \cdot 3600}} \quad (4)$$

1 – ҳалқали каналдаги барботаж патрубкеси диаметри эса бу зонадаги суюқлик ва газларнинг ҳаракати қарама – қарши бўлганлиги учун суюқлик тезлиги газ тезлигидан кичик бўлиш шarti орқали аниқланади. Яъни:

$$\omega_r \leq \omega_c$$

Бу шартдан келиб чиққан ҳолда 1 – ҳалқали канални ҳосил қилувчи барботаж патрубкеси диаметрини аниқловчи натижавий тенглама қуйидагича:

$$D_1 > \sqrt{\frac{4Q}{\pi \alpha \varphi_1 (1 - \varphi_1 3600)}} + D_0^2, \text{ м} \quad (5)$$

Бу ерда  $\alpha$  – якка олинган куракнинг тезлигига мос келувчи коэффициент [3]

$$\alpha = 30 \div 32 \text{ см/сек}$$

$\varphi_1$  - 1 – ҳалқали каналдаги газ миқдори

$D_0$  - ички барботаж патрубкесининг ташқи диаметри

2 – ҳалқали канални ҳосил қилувчи барботаж патрубкесини диаметрини аниқловчи натижавий тенглама қуйидагича:

$$D_2 > \sqrt{\frac{4Q}{\pi d \varphi_2 (1 - \varphi_2 3600)}} + D_1^2 \text{ (м)} \quad (6)$$

Бу ерда  $\varphi_2$  - 2 – ҳалқали каналдаги газ миқдорининг қиймати

$D_1$  - 1 – ҳалқали канални ҳосил қилувчи барботаж патрубкесининг ташқи диаметри, (м);

Юқоридаги 4,5,6 – тенгламалар орқали барботажли экстракторининг аралаштириш зоналари ўлчашларини аниқлаш мумкин.

Аралаштириш зоналарида суюқликнинг келтирилган тезлиги барботаж режими учун  $\omega_c \leq 0,1 \text{ м/с}$  эканлигини эътиборга олган ҳолда газ миқдорларини қийматларини 1,2,3 тенгламалар ёрдамида аниқлаш тавсия этилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. А л и м а т о в Б.А., К а р и м о в И.Т., Т о ж и е в Р.Ж., Х у р с а н о в Б.Ж. Многоступенчатый барботажный экстрактор. Патент РУЗ №5014 по заявке № I НДР 9706224.1 оит 11.11.98. опубл. 30.06.99.// официальный бюлл. 1999.№2 (24). С.45
2. К а ф а р о в В. В. Основы массопередачи М.: Высшая школа, 1979 – 484 с.
3. К а р и м о в И. Т. Барботажли экстракторнинг аралаштириш зоналарида гидродинамик жараёнларни тадқиқ қилиш т.ф.н.дисс. Т.: ТДТУ, 2001. – 131 б.
4. К а с а т к и н А.Г. Основные процессы и аппараты химической технологии. М.: Альянс, 2004. -751 с.
5. А л и м а т о в Б.А., С а л и м о в З.С., А б д у р а х и м о в С.А. Конструкции и перспективы промышленного применения жидкостных барботажных экстракторов // Узб. хим. журнал, 2002, № 2. С. 59-63.

Фарғона политехника институти

қабул қилинди: 25.12.2012 й.

УДК. 631. 313. 6

КОМБИНАЦИЯЛАШГАН БОРОНА ДИСКЛИ ИШ ОРГАНЛАРИНИНГ  
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Тўхтақўзиев А., Калимбетов М.П., Эргашев М.М.

*Мақолада комбинациялашган борона дискли иш органларининг параметрларини асослаш бўйича ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.*

*В статье приведены результаты проведённых теоретических исследований по обоснованию параметров дисковых рабочих органов комбинированной бороны.*


*Called on basic researches are brought In article on motivation disc worker organ of the multifunction harrow.*

Маълумки, ҳозирги пайтда мамлакатимизда ерларни буғдой ва такрорий экинларни экиш учун тайёрлашда ҳамда серкесак ерларга экиш олдида ишлов беришда БДТ-3,0, ТДБ-3,0 каби дискли бороналардан кенг фойдаланилади. Аммо, бу бороналар қўлланилганда тупроқни экишга талаб даражасида узил-кесил тайёрлаш учун уларни бир жойдан икки-уч марта ўтишига тўғри келади ҳамда мола ва тишли тирмалар билан қўшимча ишлов берилади. Бу ерларга ишлов бериш учун сарфланадиган харажатларни, шу жумладан, ёқилғи сарфини ортишига олиб келади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда республикамиз қишлоқ хўжалигида қўлланиб келинаётган дискли бороналар сўнги 20-30 йиллар давомида ҳеч қандай ўзгаришларсиз ишлаб чиқариб келинмоқда, шу сабабли улар маънавий эскирган, тупроққа минимал ва тежамкорлик билан ишлов бериш каби замонавий талабларга жавоб бермайди. Бу айтилганлар мавжуд дискли бороналарни иш сифати ва унумдорлигини ошириш, энергия-ресурс тежамкорликни таъминлаш йўналишларида такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Ўтказилган адабиётлар шарҳи ҳамда олиб борган изланишларимиз мавжуд дискли бороналарнинг юқорида таъкидланган камчиликлари улар иш органларини рамага ўрнатилиш схемаларини такомиллаштириш ҳамда уларни тупроқ юзасига қўшимча ишлов берувчи, дала юзасини майдаловчи, текисловчи ва қисман зичловчи ишчи қисмлар билан жиҳозлаш ҳисобига бартараф этиш мумкинлигини кўрстади.

Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда институтимизда комбинациялашган дискли борона ишлаб чиқилди. У осий курилмаси билан жиҳозланган рама (1-расм), унга икки қатор этиб ўрнатилган сферик дисклар, текислагич ва планкали ғалтакмоладан ташкил топган. Иш жараёнида сферик дисклар тупроқ ва ўсимлик қолдиқларини кесади, майдалайди ва бир-бирига аралаштириб юборади, текислагич ва ғалтакмола сферик дисклар томонидан ишлов берилган қатлам юзасини текислайди, зичлайди ҳамда дала юзасида майин тупроқ қатламини ҳосил қилиб кетади. Шунини таъкидлаш лозимки, мавжуд дискли бороналарга нисбатан олганда ишлаб чиқилган комбинациялашган боронада сферик дисклар рамага индивидуал тартибда жойлаштирилган (мавжуд бороналарда улар секциялаб жойлаштирилган) ҳамда тикка нисбатан маълум бурчак остида ўрнатилган (мавжуд бороналарда эса улар тик ўрнатилган). Биринчи омил, яъни сферик дискларни рамага индивидуал тартибда жойлаштириш секциялаб жойлаштиришга нисбатан боронанинг ихчам бўлиши ва осма этиб ясаш имконини беради, иккинчи омил, яъни сферик дискларни тикка нисбатан маълум бурчак остида ўрнатиш эса уларни тупроққа яхши ботиши ва уни яхши уваланишини таъминлайди.

Қуйидагилар комбинациялашган дискли боронанинг энергетик ва агротехник иш кўрсаткичларига таъсир этувчи асосий параметрлари ҳисобланади: дискнинг диаметри  $D$ , диск ишчи сиртининг эгрилик радиуси  $R$ , дискни ҳаракат йўналиши ва тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаклари  $\alpha$  ва  $\beta$ , улар орасидаги кўндаланг  $a$  ва бўйлама  $l$  масофалар, текислагичнинг баландлиги  $H$ , текислагич ишчи сиртининг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги  $\beta_T$ , планкали ғалтакмоланинг диаметри  $D_n$ , у планкаларининг сони  $n$  ва унга бериладиган тик босим кучи  $Q_n$ .



1-расм. Комбинациялашган дискли боронанинг конструктив схемаси.

1- рама; 2- осиш қурилмаси; 3- сферик дискли иш органлари;  
4- текислагич; 5-галтакмола

Ушбу мақолада ишлаб чиқилган комбинациялашган борона дискли иш органларининг параметрларини асослаш бўйича ўтказилган назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Дискнинг диаметри ва у иш сиртининг эгрилик радиуси куйидаги ифодалар бўйича аниқланди [1].

$$D_o = kh \quad (1)$$

$$\text{ва} \quad R = \frac{kh}{2 \sin(\omega - i)} \quad (2)$$

бунда  $k$  – дискли бороналар учун 4-6 га тенг бўлган коэффициент;

$h$  – дискнинг ишлов бериш чуқурлиги.

$\omega$  – дискнинг конус ясовчилари билан тиғ текислиги орасидаги бурчак;

$i$  – диск тиғининг ўткирланиш бурчаги.

$k=4$ ,  $\omega=40^\circ$  ва  $i=15^\circ$  қабул қилиб [1,2] ҳамда (1) ва (2) ифодаларга ишлов бериш чуқурлигининг ўртача (15 см) қийматини қўйиб, дискнинг диаметри 600 мм ва у ишчи

сиртининг эгрилик радиуси 710 мм бўлиши лозимлигини аниқлаймиз.


Дисклар орасидаги кўндаланг масофа  $a$  ни ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган нотекисликлар баландликларининг ҳақиқий қиймати  $h_x$  (2-расм) уларнинг агротехника талаблари бўйича рухсат этиладиган қиймати  $[h_x]$  дан катта бўлмаслиги шартидан келтириб чиқарилган қуйидаги ифода бўйича аниқлаймиз:

$$a \leq 2 \sqrt{\frac{m[h_0]}{\cos \beta} \left( D - \frac{m[h_0]}{\cos \beta} \right) \sin \alpha}, \quad (3)$$

бунда  $m$  – ишлов берилган қатлам тубида ҳосил бўладиган нотекисликлар баландлиги камайишини (уларнинг учларини бузилиши натижасида) ҳисобга олувчи коэффициент.

$m=1,5$ ,  $[h_x]=20$  мм,  $D=600$  мм,  $\alpha=25^\circ$  ва  $\beta=15^\circ$  [1,3] қабул қилиб, (3) ифода бўйича ўтказилган ҳисоблар бўйича дисклар орасидаги кўндаланг масофа кўпи билан 250 мм бўлиши лозим.

Дисклар орасидаги бўйлама масофани аниқлаш учун биринчи ва иккинчи қаторда жойлашган дисклар иш жараёнида бир-бирига таъсир кўрсатмаслиги шартидан қуйидаги ифода келтириб чиқарилди.



2-расм. Дисклар орасидаги кўндаланг масофани аниқлашга доир схема

$$l > \sqrt{\frac{h}{\cos \beta} \left( D - \frac{h}{\cos \beta} \right) \cos \alpha} + 0,5 \left( D - 2 \sqrt{\frac{h}{\cos \beta} \left( D - \frac{h}{\cos \beta} \right)} \right) \cdot \cos \beta \sin \alpha + atg \alpha. \quad (4)$$

Бу ифода таҳлилидан кўриниб турибдики дисклар орасидаги бўйлама масофа уларнинг диаметри, ҳаракат йўналиши ва тикка нисбатан ўрнатилиш бурчаклари, улар орасидаги кўндаланг масофа ҳамда ишлов бериш чуқурлигига боғлиқ экан.

(4) ифодага  $D, h, \alpha, \beta$  ҳамда  $a$  нинг юқорида келтирилган қийматларини қўйиб, иш органлари орасидаги масофа камида 680 мм бўлиши кераклигини аниқлаймиз.

Демак, ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича ишлаб чиқилган комбинациялашган диски борона диаметри 600 мм ва ишчи сиртининг эгрилик радиуси 710 мм бўлган сферик дисклар билан жиҳозланиши ҳамда улар орасидаги кўндаланг масофа 250 мм дан катта бўлмаслиги, бўйлама масофа эса камида 680 мм бўлиши лозим экан.

#### АДАБИЁТЛАР

1. С и н е о к о в Г.Н., П а н о в И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. -М.: Машиностроение, 1977.- 328 с.
2. Т у р б и н Б.Г., Л у р ь е А.Б. и др. Сельскохозяйственные машины. Теория и технологический расчет. - Ленинград: Машиностроение, 1967.-584 с.
3. Н а р т о в П.С. Дисковые почвообрабатывающие орудия. - Воронеж, 1972. -182 с.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
ва электрлаштириш илмий тадқиқот институти

қабул қилинди: 4.01.2013 й.

## ПОҒОНАЛИ БОШҚАРИЛУВЧИ ТЕЗЛИК ВА СУРИШЛАР ҚУТИСИ УЧУН ЧЕГАРАВИЙ КЕСИШ РЕЖИМЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

Тўраев Т.Т., Раҳимов Ш.Э.

*Дастгоҳларда заготовкларга кесиб ишлов бериши учун ишлов бериладиган детални сифати ва аниқлигини ҳамда кесувчи асбобни тургунлик даврини таъминлашда кесиб режими асосий тамойиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Таклиф этилган мақола қўйилган вазифани дастурлардан фойдаланган ҳолда ечимини аниқлашга ёрдам беради.*

*При обработке заготовок на станках обеспечение точности и качества обработки, повышение стойкости инструмента зависит в основном от правильно выбранных режимов резания. Данная статья может помочь решить поставленную задачу с использованием программного метода.*

*At processing preparations on machine tools providing the accuracy and quality of processing, improving the stability of the tool depends on the basis of correctly chosen modes of cutting. Given article can help to solve the task via programming method.*

Дастгоҳ юритмалари кесувчи асбоб ва заготовкага керакли технологик жараёнларни таъминловчи кесиб тезлигини ва кучни узатиш учун хизмат қилади. Дастгоҳ юритмалари бош ҳаракатни сошлаш (ўзгартириш) имконини берувчи тезликлар қутисидан, суришлар, ёрдамчи ва бошланғич ҳолатни силжишини таъминловчи қурилмалардан ташкил топади. Тезлик ва суриш қутилари берилган диапазондаги кесиб ражимига сошлаш органига эга бўлаши керак.

Поғонали башқаришда берилган диапазондаги ҳаракат геометрик прогрессия асосидаги тузилган қатор кўринишда бўлади. Поғонали бошқарув юритмалари, одатда, ўлчами кичик, конструкцияси содда ва Ф.И.К. юқорилиги билан дастгоҳларда ўз ўрнини топган.

Юритманинг кинематик имкони бошқарилувчи диапазон орқали баҳоланади. Бошқариш диапазонини  $n$ - айланишлар частотасининг ёки  $S$  –суришларнинг максимал ва минимал қийматлари орқали характерлаш мумкин.

$$D_n = \frac{n_{\max}}{n_{\min}} \quad \text{ёки} \quad D_s = \frac{S_{\max}}{S_{\min}} \quad (1)$$


Бошқариш диапазонини қийматини ишлов беришда қўлланиладиган операция (токарлик ёки жилвирлаш) турига, ишлов бериладиган детални ўлчамига, ишлов бериш (қора ёки тоза) турига, кесиб чуқурлигини максимал ва минимал қийматига, ишлов бериладиган ва кесувчи асбобни физик-механик хусусиятига ва бошқа омилларни ҳисобга олувчи алгаритм орқали аниқланади (1-расм).

Изоҳ: Т/К-тез кесар пўлатдан тайёрланилган кесувчи асбоб; Қ/Қ-кесувчи қисми қаттиқ қотишмадан тайёрланилган кесувчи асбоб.

Жисмларни айланма ҳаракатида шпинделни айланишлар частотаси  $n_{\text{шп}}$  (айл/мин), кесиб тезлиги  $v$  (м/мин), ишлов бериладиган детални диаметри  $d$  (мм) қуйидаги муносабатда бўлади:

$$n_{\text{шп}} = \frac{1000}{\pi d} v, \text{ айл/мин} \quad (2)$$

Замонавий металл қирқиш дастгоҳларида бош ҳаракатнинг бошқариш диапазони 10 – 100 қиймати орасида бўлади. Бош ҳаракатнинг ва суришни бошқариш диапазонини



1-расм. Кесиш режимини аниқлаш алгоритми

аниқлашда ахборат технологиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги даврларда  $n$  - айланишлар частотасининг ёки  $S$  –суришларнинг максимал ва минимал қийматларини режалаштирилган матрица орқали аниқлаш қулайликни яратиб келмоқда (1 жадвал). Бунинг учун уларга таъсир этувчи омилларни ажратиб олиш зарурати туғилади. У омилларни ажратиб олиш усулларини иккита гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳ содда, қисқа вақтни талаб этади. Бунда объект ишлаб чиқилган (технологлар учун ишлаб чиқилган кесиш режимини танлаш) маълумотномаларга асосланилади. Иккинчиси мураккаб бўлгани учун кўп вақтни талаб этади. Бунда лабораторияда, объектга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олувчи “Омилларни режалаштирилган тадқиқотига” асосланилган кўп қиррали илмий тадқиқотлар олиб борилади.

1. Жадвал

$T/p$	$V_i/S_i$	$V_j/S_j$	$t_{max}/t_{min}$	$HB/\sigma$	Кесувчи асбоб материали
1	$V_{max 1}/S_{max 1}$	$V_{min 1}/S_{min 1}$	$t_{max1}/t_{min1}$	$HB_{\frac{max}{min}}/\sigma_{\frac{max}{min}}$	Т.к./Қ.қ.
2	$V_{max 2}/S_{max 2}$	$V_{min 2}/S_{min 2}$	$t_{max2}/t_{min2}$	$HB_{\frac{max}{min}}/\sigma_{\frac{max}{min}}$	Т.к./Қ.қ.
3	$V_{max 3}/S_{max 3}$	$V_{min3}/S_{min 3}$	$t_{max3}/t_{min3}$	$HB_{\frac{max}{min}}/\sigma_{\frac{max}{min}}$	Т.к./Қ.қ.
...	...	...	...	...	...
...	...	...	...	...	...
...	...	...	...	...	...
$z$	$V_{max z}/S_{max z}$	$V_{min z}/S_{min z}$	$t_{max z}/t_{min z}$	$HB_{\frac{max}{min}}/\sigma_{\frac{max}{min}}$	Т.к./Қ.қ.

Бош ҳаракатнинг айланишлар частотасини ёки суришларни максимал ва минимал қийматларини аниқлашда уларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олувчи тенгламани тавсия этиш мумкин:

$$N = 2^k \quad (3)$$

бу ерда  $k$ – таъсир этувчи омиллар сони.

Изоҳ: жадвалдаги параметрларнинг қийматлари технологлар учун ишлаб чиқилган кесиш режимини маълумотномалардан танлаб олинади; НВ-чўян материаллар учун;  $\sigma$  –пўлат материаллар учун.

Поғонали бошқаришда  $n_{\min}$  дан  $n_{\max}$  гача оралиқдаги диапазонда  $n_1; n_2; n_3; \dots n_z$  қатордаги тезликларни таъминлаши керак. Замонавий тезликлар қутиларида айланишлар частотасини сони, одатда,  $z=12-36$  қабул этилган бўлиб, суришлар сони ундан ортиқроққа тенг бўлади. Геометрик қаторнинг махражи  $\varphi$  деб қабул этилса, у ҳолда қаторларнинг қийматини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} n_1 &= n_{\min} \\ n_2 &= n_1 \varphi \\ n_3 &= n_1 \varphi^2 \\ &\dots \dots \dots \\ &\dots \dots \dots \\ n_z &= n_{\max} = n_1 \varphi^{z-1} \end{aligned} \quad (4)$$

Бундан бошқариш диапазони:

$$D = \frac{n_z}{n_1} = \frac{n_{\max}}{n_{\min}} = \varphi^{z-1} \quad (5)$$

Геометрик қаторнинг махражи:

$$\varphi = \sqrt[z-1]{D} \quad (6)$$

Тезликлар пағонасининг сони:

$$Z = \frac{\lg D_v}{\lg \varphi_v} + 1 \quad (7)$$

Берилган  $\varphi$  эга бўлган геометрик қаторлар учун тезликни поғонали узатма қўлланганлигидаги йўқотилиши  $A$ -const. :

$$A = \frac{n_{z+1} - n_z}{n_{z+1}} = \left(1 - \frac{1}{\varphi}\right) \cdot 100\% = const : \quad (8)$$

Шпинделни айланишлар частотасини поғонали бошқарилувчи икки ёқлама ҳаракатланишлар сони ва суришларни миқдорини таъминловчи юритмаларнинг барчаси геометрик қатор ассосида тузилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Металлорежущие станки и автоматы. /под редакцией А.С. П р о н и к о в о/ Москва «Машиностроение», 1981г.
2. П у ш В. Э. Металлорежущие станки. Москва «Машиностроение», 1986г.
3. Технологическое оборудование автоматического производства. /под редакцией В.Л. П е р е г у д о в а/ Ташкент «Уқитувчи», 1999г.

Фарғона политехника институти

қабул қилинди: 12.01.2013 й.

**МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН  
ИССИҚБАРДОШ ТЕМИР БЕТОН КОНСТРУКЦИЯНИ ИССИҚЛИК ТАЪСИРИГА  
ҲИСОБЛАШ**

Абдурахмонов С.Э., Ахмедов П.С., Фозилов О.

*Мақолада иссиқбардош темир бетон плитани иссиқлик таъсирига ҳисоблаш методикаси келтирилган.*

*В статье приводится методика расчета жаростойких железобетонных конструкций на воздействие высоких температур.*

*The article describes the method of calculation of fireproof concrete structures at high temperatures.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатни яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1134-сонли Қарори янги корхоналар барпо этиш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайитириш ҳамда тайёр махсулот нархини арзонлашувини таъминлайдиган замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиқ қилиш ҳисобига сифатли деворбоп майда фасон қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва шу асосда ички бозорни шундай материаллар ва буюмлар билан тўлдириш, уй-жойлар, айникса, қишлоқ жойларда иморат қураётган аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида қабул қилиниб, унда: 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печлар (айланма, туннел, траншеяли ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиниши (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно). 2010 йил 1 январдан бошлаб ностандарт, тежамсиз печларни махсус энергия тежайдиган технологияларга алмаштирмаган, шунингдек белгиланган солиштира сарф нормаларидан ортиқча ҳажмда табиий газдан фойдаланаётган пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарга табиий газ амалдаги улгуржи нархда берилиши кўзда тутилган.

Наманган муҳандислик-педагогика институтида маҳаллий саноат чикиндилари асосида иссиқбардош бетон таркиби аниқланиб, тайёрланган темир бетон конструкцияни иссиқликнинг бир томонлама таъсирига ҳисоблаш қуйидагича бажарилди. Натижа ўтказилган тажрибада аниқланган маълумотлар билан мос келди [1].

Иссиқбардош бетонларнинг сиқилишдаги мустаҳкамлигини амалдаги стандартлар асосида томонлари 10x10x10 см ли нормал ( $t = 20 \pm 2 \text{ }^\circ\text{C}$ ,  $w = 90\%$ ) шароитда 7 кун сақланган ва  $105 \pm 5 \text{ }^\circ\text{C}$  да қуритилган куб намунани синаш билан аниқланади. Контрол мустаҳкамлик иссиқбардош бетон ўртача мустаҳкамлигидан кам бўлмаслиги керак.

Бетоннинг қолдиқ мустаҳкамлиги  $800 \text{ }^\circ\text{C}$  ҳарорат таъсир этгандан сўнг совутилиб, сув устида (стандарт талабига асосан) сақлангандан кейин, контрол мустаҳкамликнинг 30% ни ташкил этиши керак.

Бетоннинг қолдиқ мустаҳкамлиги 10x10x10 см ли намунада аниқланади. Намуна бетонни қиздириш камера печида ҳароратни  $150 \text{ }^\circ\text{C}/\text{соат}$  дан кўтариб,  $800 \text{ }^\circ\text{C}$ да 4 соат ушлаб туриб, сўнг уни печ билан бирга хона ҳароратига қадар совитилади. Совитилган намуна сувли ванна устига  $4 \pm 1$  см баландликда сеткага қўйиб сақланади. Ваннадаги сув қалинлиги 10 см бўлиши керак. Намуна шу ҳолатда 7 кун сақланиб, сўнг уни олиб кўз билан текширилади. Бунда бетон намунада ушалиб, бузилиш ёки дарзлар бўлмаслиги керак. Агарда бузилиш ёки дарзлар бўлса у яроқсиз (брак) ҳисобланади. Намуна стандарт талаби бўйича

мустаҳкамликга синалади. Бунда қолдиқ мустаҳкамлик контрол мустаҳкамликнинг 30% дан кам бўлса бетон яроқсиз ҳисобланади.

Ёпманинг ташқи томонида ҳарорат  $t_e = 40 \text{ }^\circ\text{C}$  ички томонида  $t_{и} = 1000 \text{ }^\circ\text{C}$ . Бетон маҳаллий чиқиндилардан ташкил топган бўлиб, оддий портландцементли В15 синфли.

Бетоннинг ўртача ҳарорати  $550 \text{ }^\circ\text{C}$  бўлганда, бетоннинг иссиқлик ўтказиш коэффициентини  $\lambda_e = 0,67 \text{ BT/m}^\circ\text{C}$ . Ташқи томон ҳарорати  $60 \text{ }^\circ\text{C}$  бўлганда иссиқлик йўқотиш коэффициентини  $\lambda_e = 12 \text{ BT/kb.m}^\circ\text{C}$  ва ички томонда

$$t_{и} = 1000 \text{ }^\circ\text{C} \quad \lambda_e = 110 \text{ BT/kb.m}^\circ\text{C}$$

Бетоннинг иссиқлик ўтказишдаги қаршилиги  $R_o$ .

$$R_o = \frac{1}{\lambda_i} + R_1 + \frac{1}{\lambda_e} \text{ KB.m}^\circ\text{C/Bt}$$

Уст ёпмадаги иссиқлик оқими;

$$Q = \frac{1}{R_o} (t_i - t_e)$$

Уст ёпманинг ташқи иссиқлик воситаси таъсир қилмайдиган томонидаги ҳарорат  $t_{be} = t_i - Q \frac{1}{\lambda_i}$  формула ёрдамида ҳисобланди.

Теплотехник ҳисобдан шу нарса келиб чиқдики, уст ёпманинг тажриба натижасидаги ташқи ва ички томон ҳароратларига ҳисоб натижалари яқин келади, яъни ички қисмида  $1000-986 \text{ }^\circ\text{C}$ ; ташқи қисмида  $40-47 \text{ }^\circ\text{C}$ .

Бетон кесим юзаси бўйича ҳароратнинг тарқалиши – чизиқли. СНиП 2.03.04-84 га асосан ишчи арматура ҳарорат  $450 \text{ }^\circ\text{C}$  дан ошмаган қисмда жойлашиши керак.

Уст ёпманинг ҳисобий узунлиги 4000 мм, иссиқлик таъсир қилиш қисм оралиғи эса 3350 мм ни ташкил қилади. Темир бетоннинг солиштира оғирлигини  $2000 \text{ кг/м}^3$ . Уст ёпманинг ўз оғирлиги бўйича эҳтимоллик коэффициентини 1,2. Ёпма кенлиги 1,25 п.м. Юклама ёпманинг ўз оғирлиги:  $g_1 = 1050 \text{ кг} \cdot \text{п} \cdot \text{м}$ .

Вақтинчалик юкломани  $100 \text{ кг/м}^2$  олиб, унинг эҳтимоллик коэффициентини 1,3 қабул қилинган.

Ҳисобий вақтинчалик юклама:  $g_2 = 100 \cdot 1,2 \cdot 1,3 = 163 \text{ кг} \cdot \text{п} \cdot \text{м}$ .

1. п.м. уст ёпманинг умумий ҳисобий юкломаси:

$$g = g_1 + g_2 = 1050 + 163 = 1213 \text{ кг} \cdot \text{п} \cdot \text{м}$$

Уст ёпма учун бетон мустаҳкамлиги В15, арматурани А-III синфдан олиб уларнинг ҳисобий сиқилишдаги ва чўзилишдаги қаршилиқларини СНиП 2.03.04-84 дан қабул қилинади. В15 синфдаги бетон учун сиқилишдаги ҳисобий қаршилиқ  $R_b = 86,7 \text{ кг/м}^2$ . Арматура А-III учун қаршилиқ  $R_s = 3750 \text{ кг/м}^2$ . Бетон ва арматуранинг ўта юқори температура таъсири шароитида ишлаш коэффициентлари СНиП 2.03.04-84[2] бўйича оламиз. Бетон ўрта қисмида ҳарорат  $200 \text{ }^\circ\text{C}$  да бўлганда шароитни ҳисобга олувчи коэффициент  $\gamma_{bt} = 1,0$ .

Арматурадаги ҳарорат  $450 \text{ }^\circ\text{C}$ . Бундай ҳароратда арматура учун уни қисқа вақт киздиришдаги шароит коэффициентини  $\gamma_{st} = 0,75$  ва узоқ киздиришдаги (10 йил муддатда)  $\gamma_{st} = 0,2$  га тенг. Уст ёпмани 5 йил муддат ишлаши учун  $\gamma_{st} = 0,31$  бўлади.

Текис тарқалган ҳисобий юкломдан ҳосил бўлган эгувчи момент:

$$M = \frac{q \cdot \ell^2}{8} \text{ кг} \cdot \text{см}$$

СНИП 2.03.04-84 га асосан:

$$\alpha_o = \frac{M}{\gamma_{bt} \cdot R_b \cdot b \cdot h_o}$$

$\alpha_o = 0,43$  бўлганда жадвал 41 дан  $\nu = 0,96$  [1] Уст-ёпмадаги арматура:

$$A = \frac{M}{\gamma_{st} \cdot R_s \cdot \nu \cdot h_o} \text{ кв} \cdot \text{см}$$

Демак, арматура ҳисобланган юза бўйича танланади. Уст-ёпмани салқиликга ҳисоби заруратга қараб бажарилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Абдурахмонов С., Рахимов А. Некоторые деформативные, гидро-и теплофизические свойства керамзитобетона на основе ЦТН. Механика муаммолари, 3-4 сон, 2001, 61-62 бет. 2. СНИП 2.03.04-84 Бетонные и железобетонные конструкции, предназначенные для работы в условиях воздействия повышенных и высоких температур. М.1985 г.

Наманган муҳандислик - педагогика институти

қабул қилинди: 31.01.2013 й.

УДК. 620 (075)

### ВИБРАЦИЯНИ ЎЛЧАШ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИ ИНШОТ, ҚУРИЛМАЛАРГА ТАЪСИРИ

Юлдашев Ш., Қорабоева М.

*Мақолада вибрацияни иншоот ва қурилмаларга таъсирини ўлчаш методлари ва уларнинг турлари таҳлил қилинган. Вибрациянинг инсон организмга салбий таъсирлари ҳақида маълумотлар берилган.*

*В статье изучены методы измерения вибрации и её влияния на сооружения и конструкции. Приведены результаты об отрицательном влиянии вибрации на человеческий организм.*

*In this article methods of measurement of vibration and its influence on the constructions are studied. The information about negative effect of vibration on human organism are given.*

Замонавий технология кўплаб технологик жараён параметрлари ва жиҳозлар ҳолатини узлуксиз назорат қилишни талаб этади. Бундай параметрлардан бири вибрациянинг вибро кўчиш амплитудаси ва вибротезлик частотаси ҳисобланади. Бундай назорат турли хил соҳаларда, хусусан, электротехникада ярим ўтказгич кристалларини тебраниши, машинасозлик станокларини назорат қилишда, автомобил ишлаб чиқаришда, темир йўл транспортларида, энергетикада газ турбиналарини вибрациясини назорат қилишда, авиасозликда олиб борилади. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкинки, бу эса вибрацияни ўлчаш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтга келиб турли вибродатчиклар ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг самарадорлиги бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бири ўзига хос ютуқ ва камчиликларга эга. Вибрациянинг ўлчаш методлари икки гуруҳга бўлинади. Контактли ўлчаш методи қўлланилганда, датчик текшириладиган объект билан механик боғланган бўлади, контакtsiz ўлчаш методи эса текшириладиган объект билан механик боғланмаган бўлади.

Контактли методдан фойдаланилганда вибрацияларни қайд этишни пьезоэлектрик датчиклар ёрдамида амалга ошириш анча содда ҳисобланади. Улар паст частотали диапазонларни ва нисбатан катта амплитудаларни юқори аниқликда ўлчаш имконини беради, натижада ўзининг юқори инертлиги билан сигналларнинг ўзгариши сабабли аниқ ўлчаш имконини бермайди. Бундан ташқари агар текшириладиган объектнинг массаси унинг

инертлиги катта бўлмаса, бунда датчик вибрациянинг характеристикасига таъсир этиши, ўлчашда қўшимча хатоликлар қўшиши мумкин. Бу камчилик методни очиқ резонаторда фойдаланишни чеклайди.

Методнинг ишлаш принципи юқори синхрон частотали резанатор параметрларини ўлчаш (текшириладиган объектнинг вибрация таъсирида ўзгаришини). Резанатор иккита кўзгуга эга, булардан бири белгиловчи, иккинчиси эса текшириладиган объект билан механик боғланган бўлади. Бу ўлчаш усули резанатор учун доимий қувват манбаи ва вибрация частотасининг бир маромда бўлишини талаб этади. Кўп ҳолларда вибрациянинг юқори амплитудаларида резонанс частоталарнинг мажмуалари қайд этилиши жуда юқори аниқликда аниқлаш имконини беради. Аниқликни ошириш ва дифракцион йўқотишларни камайтириш учун сферик кўзгудан фойдаланилади. Бу методнинг аниқлик даражаси 3 мкм. Бироқ, ҳар доим ҳам текшириладиган объект билан датчикларнинг механик боғланишини амалга ошириш мумкин бўлавермайди. Шу сабабли сўнгги йилларда вибрация параметрларини ўлчаш учун контакtsiz методларни ишлаб чиқишга катта аҳамият берилмоқда. Бундан ташқари уларнинг умумий афзаллиги текшириладиган объектга таъсири аҳамиятсиз даражада эканлигидир. Ҳамма контакtsiz методларнинг асоси объектда товуш ва электромагнит тўлқинларнинг сингишидир. Сўнгги ишлаб чиқилган методлардан бири бу ультратовуш фазометридир. Унинг моҳияти шундаки, иншоотга юборилган ультратовуш частотасининг ундан қайтган сигнал фазалари орасидаги фарқни аниқлашдир. Бунда сезгир элемент сифатида пьезоэлектрик керамикадан фойдаланилади. Ультратовушнинг частотаси 240 кГц бўлганда вибрацион кўчишнинг ўлчаш сезгирлиги 10 мкм. 10 дан 510 мкм диапазонда (оралиқда) объектгача бўлган масофа 1.5 м гача бўлиши керак. 32 кГц частотада сезгирлик 30 мкм, объектгача бўлган масофа 2 м гача. Частотанинг ўсиши билан сингувчи сигналнинг сезгирлиги ошиб боради. Бу методнинг афзаллиги аппаратнинг арзонлиги ва ихчамлигидир, ўлчаш учун қисқа вақт сарфлаши, паст частотали вибрацияларни ҳам юқори аниқликда ўлчаш, частота диапазонинг қуйи қисмида чегаранинг мавжудлигидир. Бу методнинг камчилиги шундаки, ҳавода ультратовушнинг кучли сўниши ҳамда, атмосферанинг ҳолатига боғлиқлигидир, вибрация частотасининг ўсиши билан ўлчаш аниқлигининг камайишидир [4].

Доплер методи. Улардан энг содда метод гомоденли методдир, мазкур метод вибрациянинг амплитудалари ва гармоник фазаларини ўлчаш имконини беради, лекин у билан вибрациянинг ногармоник ва катта вибрация амплитудаларини текшириш мумкин эмас. Бу камчиликларини гетеродинли методларни қўллаш орқали бартараф этиш мумкин. Бироқ улар колибровка қилишни талаб қилади ва бундан ташқари ўлчаш асбоби жуда мураккаблашади. Юқорида санаб ўтилган методларнинг мавжуд камчилиги текшириладиган объект юзасининг сифатига юқори талаб қўйишидир, бироқ улар голографик методни қўллаш натижасида ўзининг аҳамиятини йўқотади ва иккинчи гуруҳни ҳосил қилади.

Голографик методлар 0.05 мкм дан юқори ечим хусусиятига эгадир, бироқ улар мураккаб ва қиммат турувчи жиҳозларни талаб этади. Бундан ташқари ўлчаш учун кўпроқ вақт кетади. Оптик методларнинг умумий камчилиги мураккаблиги, жиҳозларнинг қимматлиги, кўп энергия сарфлаши, текшириладиган объект юзаси сифатига юқори талаб қўйиши, атмосфера ҳавосининг намлик ҳолатига юқори талаб қўйиши ва ҳ.к. Бундан ташқари лазер нурланиши натижасида хизмат қилаётган ходимнинг кўриш қобилиятига салбий таъсир кўратади, шу сабабли уни қўшимча ҳимоя воситалари билан ҳимояланиш талаб этилади. Бу камчиликларни юқори синхрон частотали нурланиши методини қўллаш асосида бартараф этиш мумкин.

Вибрация эластик муҳит зарраларнинг тўлқинсимон тарқаладиган тебранма харакатидир. Уларнинг инсонга таъсири тебранишлар частотасига боғлиқ. 16 Гц дан кам частотали тебранишлар одамга силкиниш – вибрация каби таъсир қилади. Вибрация техник жиҳозлар билан бир қаторда инсон организмга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Вибрациянинг зарарли таъсирини чеклаш учун корхоналарда вибрация параметрлари катталигининг йўл қўйилган чегаравий даражалари ўрнатилган. Ишлаб чиқариш

хоналаридаги доимий иш ўринларида паст частотали (250 Гц ва ундан паст) шовқин учун шовқин даражаси 91-103 дБ, ўртача частотали (250-1000 Гц) шовқин учун 85-91 дБ, юқори частотали (1000 Гц дан юқори) шовқин учун 80-85 дБ бўлишига йўл қўйилади.

Вибрация кучи даражасининг белгиланган нормаларга мослигини аниқлаш учун ИШБ-1 прибордан фойдаланилади. ИШБ-1 прибори 22 дан 12000 Гц гача частоталар diapозонида 30 дан 150 дБ гача товуш босими даражасини ўлчайди.

Вибрация таъсиридан асосан қуйидаги усуллар билан: вибрацияни уларнинг пайдо бўлиш манбаларида ва уларнинг тарқалиш йўлларида камайтириш, индивидуал ҳимоя воситалари ва ташкилий тадбирлар орқали ҳимояланади. Вибрацияни уларнинг пайдо бўлиш манбаларида камайтириш учун техник тадбирлар кўрилади, яъни зарбли процесслар зарбсизлари билан алмаштирилади, думалаш подшипниклари ўрнига сирпаниш подшипниклари қўйилади. Булардан ташқари, жиҳозларни ўз вақтида ремонт қилиб туриш ҳам зарур.

Вибрацияни тарқалишини камайтириш учун виброизоляция, товушютиш ва виброютишлар қўлланилади. Кабиналар, кожухлар товушни изоляциялаш воситалари ҳисобланади.

Вибрацияни манба билан асос орасидаги қаттиқ боғланишларни йўқотиш орқали камайтириш мумкин. Бунинг учун эластик элементлар пўлат-пружиналар кўринишидаги виброизоляторлар ёки эгилувчан материаллардан тайёрланган қистирмалар ишлатилади. Вибрацияга қарши кураш воситаларидан бири вибрацияни сўндиришдир. Бунинг учун вибрацияланадиган сиртга кўчиб кетмайдиган қилиб эластик-қовушқоқ материаллар қатламлари суртилади [1].

Вибрация умумий ва қисман бўлиши мумкин. Умумий вибрацияда инсон организми бутунлай вибрация таъсирида бўлади, қисман вибрацияда эса инсон организмнинг баъзи бир қисмларигина вибрация таъсирига тушади. Умумий вибрацияга транспорт воситаларини бошқарувчилар, штамп системаларини, юк кўтариш кранлари ва бошқа воситаларни бошқарувчилар умумий вибрация таъсири остида бўлади. Қисман вибрация таъсирига қўлда ишлатиладиган электр ва пневматик қурилмалар билан ишлаётганлар тушади.

Вибрациянинг узоқ муддат частотаси  $f=250-350$  Гц бўлган таъсири натижасида касбий “вибрация касаллиги” (мускулларнинг бузулиши, суяк системасининг ўзгариши, томирлар, ички организмлар касаллиги) вужудга келади. Вибрация касаллиги ишлаб чиқариш жараёнида вибрация таъсирида (3-5 йилдан кам бўлмаган муддатда) пайдо бўлади [3].

Организмга вибрациянинг фаол таъсир этувчи омили тезланишдир. Қурилиш машина ва технологик жараёнларда горизонтал ва вертикал силкиниш ва зарблар таъсирида импульсли тезланишлар таъсир қилади. Хусусан,

Импульсли тезланиш	Организмга таъсири
10 мм/с <sup>2</sup>	сезилмайди
40 мм/с <sup>2</sup>	кучсиз таъсир этади
400 мм/с <sup>2</sup>	кучли таъсир этади
1000 мм/с <sup>2</sup>	зарарли
4000 мм/с <sup>2</sup>	чидаб бўлмайдиган таъсир кўрсатади

Инсон организмнинг деярли ҳамма қисмларида ҳар хил частотадаги титрашлар мавжуд. Масалан, одам боши, бўйни, юрак қисмлари вибрация системаси сифатида қаралиши мумкинки, бу ўзига яраша оғирликка эга бўлиб пружинасимон воситалар ёрдамида вибрациялар вужудга келтиради ва бу вибрацияларни сўндиришга ҳаракат қилувчи қаршилиқлар гуруҳлари ҳам мавжуд. Агар бу титровчи қисмларга ташқаридан худди шу частотадаги титрашлар таъсир кўрсатса, организмда резонанс вужудга келиши мумкин, бу титрашни бир неча ўн марта ортишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида организм қисмларида силжишни вужудга келтиради. Вибрациянинг доимий таъсири эса титраш касаллигини келиб чиқишига сабаб булади. Бунда вибрациянинг марказий нерв системаларига таъсири натижасида организмнинг физиологик функциялари бузилади. Бу

